



Файзулла Очилдиев

Ўзбекистон Миллий университети
“Археология ва этнология” кафедраси
мудири, тарих фанлари доктори, профессор.

E-mail: fayzullaochildiev@gmail.com

XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИДА ШАРҚИЙ БУХОРО БЕКЛИКЛАРИДА САВДО-СОТИҚ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15729520>

Аннотация: Мақолада XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Шарқий Бухоро аҳолисининг машғулооти, бекликларида олиб борилган савдо-сотиқнинг ҳолати, бекликлардаги савдо марказлари ва бозорлар, сотиладиган маҳсулотларнинг турлари ҳамда уларга қўйилган нарх-наволар таҳлил қилинган. Шунингдек, турли йилларда бекликлар бозорларида сотилган маҳсулотларнинг баҳоси ва улар ўртасидаги тафовутлар, Россия ва хориждан келтирилган маҳсулотларнинг турлари, бозорларнинг ихтисослашуви каби жиҳатлар ўрганилган.

Калит сўзлар: Шарқий Бухоро амирлик, Ҳисор, Балжувон, Қабодиён, Кўлоб, Гарм, Қоратегин, Дарвоз, Россия, беклик, савдо-сотиқ, бозор, ман, нарх, дон маҳсулотлари, танга.

Кириш. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлигининг йирик шаҳарлари савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик марказлари

бўлган. Амирликда асосий бойлик ер ҳисобланиб, аҳоли асосий даромадни деҳқончилик ва чорва молларидан олишган. Суғориладиган ва унумдор лалми ерлар бу ўлкада анча кўп бўлиб, бекликларда ғалла экинларининг хилма-хил турлари экилган. Масалан, буғдой, жавдар, мош, нўхат, кунжут, тарик, зиғир, маккажўхори, ловия, ясиқ ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилган. Шарқий Бухоронинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ғаллачилик алоҳида ўрин тутган. Шарқий Бухорода қишлоқ хўжалигида экиладиган экин турлари ва ишлаб чиқаришининг ривожланиши тўғрисида инқилобдан олдинги даврда яратилган манбалар ва хотираларда кўплаб маълумотлар келтирилган. Бу манбаларда Шарқий Бухоронинг асосий деҳқончилик марказлари, Сурхон, Кофирниҳон ва Вахш дарёлари водийсида жойлашган ерлар эканлиги қайд қилинган.

Асосий қисм. Д.Н.Логофет “Бухоро амирлиги юксак маданиятли давлат сифатида донг таратган ва қадим замонларданоқ бу ерлар қалин лой тупроқ қатламлари ва суғориш учун сувнинг мўл-кўллиги ғалла экинларининг ниҳоятда кўп етиштиришига сабаб бўлган. Бу эса Бухоро амирлиги аҳолисининг ғаллага бўлган эҳтиёжларини қондириб, қўшни мамлакатларни ҳам дон билан таъминлайдиган ғалла омборига айлантирган” деб таъкидлайди[1]. Бу маълумотлар Шарқий Бухоро ҳудудларида ғаллачилик сезиларли даражада тараққий этганлигини ва Бухоро амирлиги аҳолиси ҳаётида ички ҳамда ташқи савдода муҳим маҳсулот сифатида катта аҳамият касб этганлигини кўрсатади. Ўрта Осиё халқлари қадимдан ерни алмашлаб экиш усулини яхши ўзлаштирганлар. Масалан, алмашлаб экишда буғдойдан бўшаган ерларга беда экиш усулини яхши ўзлаштиришган. Чорва молларини бўрдоқига боқиш учун хўжаликларда ҳам асосан беда экишган.

И.И.Геер Бухоро амирлигида беда экинлари унчалик катта бўлмаган ерларга экилиб аҳолининг эҳтиёжларини қондириш учун етарли бўлганлигини, лекин бозорларда беда нархи юқори бўлиб, 100 боғ беда (20 пуд) учун 4 сўмдан

кам тўланганини камдан-кам учратиш мумкинлигини баён қилган[2]. Н.Н. Покотило амирликда деҳқонлар буғдой, жавдар ва шоли экишга алоҳида этибор қаратишини, оз миқдорда маккажўхори, тарик, нўхат, беда ҳамда пахта экишини маълум қилган. 1886 йили амирликнинг марказий бекликларидаги бозорларда озиқ-овқат ва чорва молларига мўлжалланган ем-хашак нархлари куйидагича бўлганини кўриш мумкин: Қўбодиён ва Қўрғонтепа бекликларида бир ман буғдой 13 танга, бир ботмон жавдар 9 танга, бир ботмон шоли 15 танга, бир туя 170 танга, бир хўкиз 60 танга, бир қўй 16 танга, юз боғ беда 10-12 тангадан сотилган. Кўлобда 100 боғ беда 8 танга, Балжувон, Ҳисор, Сарижўй бекликларида 1000 боғ беда 12-15 танга, Қабодиён ва Қўрғонтепа бекликларида эса 100 боғ беда 10-12 танга турган[3].

Г.А. Арандаренко Балжувонлик тожиклар ва ўзбеклар анча бадавлат, чунки улар ўзларининг ғаллачилик хўжалигига эга, улар дон маҳсулотларини Душанбе, Миршод, Дарбанд ва Ғузор орқали Қаршига сотиш учун олиб боради деб таъкидлайди[4]. Шарқий Бухорода Гарм, Балжувон, Ховалинг, Қўлаб, Қўбодиён, Ҳисор, Шеробод ва Ғузор шаҳарлари буғдой олди-сотдисининг асосий марказлари ҳисобланган. Ғалла маҳсулотлари бу бозорлардан Бухоронинг ғарбий қисми ва Хивага хонлигига жўнатилган[5]. Сурхон, Кофирниҳон, Қизилсув (Сават ва Чубек оралиғида) дарёлари ҳавзаларида ҳамда Вахшнинг қуйи оқимидаги катта майдонларда эса шоли ҳам етиштирилган. Маккажўхори, кунжут, мош, полиз экинлари ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун зарур миқдорда етиштирилган. Н.А. Маев Шарқий Бухорода ғаллачилик ва боғдорчиликнинг барча турлари мавжудлиги, етиштирилган ғалла ва боғдорчилик маҳсулотларининг асосий қисми Кўлоб ва Ҳисор бекликлари ҳисобига тўғри келиши баён қилган[6].

Н.Петровский Ҳисор бозорларига Ҳиндистон ва Афғонистондан тахминан 100 турдан ортиқ маҳсулотлар, жумладан, пахтадан тўқилган газламалар,

кимхоб, афюн, чинни идиш-товоқлар, тақинчоқлар, босма китоблар, 16 хил кўк чой навлари олиб келинганлигини, бироқ бу бозорларда рус маҳсулотлари умуман йўқлигини маълум қилган[7]. Шарқий Бухоро бозорларидаги бошоқли экинларнинг нархлари борасида манбаларда турли хил маълумотлар келтирилган. Масалан, Ҳисор беги Остонакулби кушбеги (1886-1906) муҳри босилган хатда Балжувонда ғалла етиштириш ҳолати ва нархлари ҳақида сўз юритилган. Хат мазмунида Балжувонда олинган ғалла ҳосилининг миқдори, бу бекликда буғдой ва жавдар нархларининг ошиши, шунингдек, Балжувонда нархлар анча паст бўлишига ишонч билдирилган[8]. 1905 йили Субҳонқулибек бийнинг Бухоро бош вазири (кушбеги) номига йўллаган мактубида Ҳисор бозорларидаги ғалла нархлари тўғрисида маълумот берилган. Хужжатда таъкидланишича, Ҳисорда ғалла нархи бошқа жойларга нисбатан арзонроқ, бироқ ғалла экин майдонлари камроқ бўлган баъзи бекликларда эса нархлар юқорига кўтарилаётгани, бир ман буғдойнинг нархи 7,35 тангадан 8,00 тангагача ўзгариб туриши, бир ман жавдарнинг нархи эса 5,40 тангадан 5,50 тангагача бўлган оралиғида тебраниб тургани келтирилган[9].

Ҳисор бозори Шарқий Бухорода йирик савдо марказларидан бири саналган. Бозорда душанба куни улгуржи савдо, чоршанба ва якшанба кунлари эса одатдагидек чакана савдо йўлга қўйилган[10]. Ҳисор бозорида асосан Самарқанд, Бухоро, Қарши шаҳарларидан ҳамда Россия, Афғонистон, Эрон ва Ҳиндистон каби хориж давлатларидан келтирилган моллар харид қилинган. Маълумотларга кўра 1877-1889 йилларда Ҳисор бозорларида 8 пуд буғдой 2 рубль, бир ботмон гуруч (12 пуд) 6-7 рубль, бир ботмон ун 2,5 рубль, 1 пуд гўшт 1 рубль 60 тийин, 1 дона от 15-30 рубль, 1 бош сигир 10-20 рубль, 1 та эшак 4-10 рубль, 1 та кўш хўкизи 15-30 рубль, 1 бош кўй 3-6 рублдан сотилган[11].

Архив ҳужжатларида 1905 йил Қоратоғ, Ҳисор, Кофирниҳон ва Файзобод бозорларидаги нарх-наво ҳолати тўғрисида ҳам маълумотлар келтирилган.

Масалан, Қоратоғ бозорида 1 манн буғдой - 20 танга, жавдар 11 танга, зиғир 22 танга, кунжут 40 танга, пилла 56 танга, мош 15 танга, тамаки 120 танга, шоли 11 танга (тозаланмаган), гуруч 32 танга, сабзи 8 танга, пиёз 16 танга турган. Ҳисорда эса 1 манн буғдой 19 танга, жавдар 12 танга, зиғир 24 танга, кунжут 42 танга, пилла 54 танга, мош 18 танга, тариқ 11 танга, нўхат 25 танга, тамаки 100 танга, шоли 11 тангадан сотилган. Кофирниҳон ва Файзобод савдо марказларида 1 манн буғдой 16 танга, жавдар 11 танга, зиғир 19 танга, кунжут 44 танга, пилла 56 танга, мош 20 танга, тариқ 9 танга, тамаки 140 танга, нўхат 24 танга, шоли 12 танга, гуруч 30 танга, сабзи 12 танга, пиёз 20 танга бўлган[12].

XIX аср охири ва XX аср бошларида Шарқий Бухорода ички савдонинг ривожланиши туфайли сезиларли иқтисодий ўсиш кузатилади. Ички савдонинг етарлича ривожланиши натижасида, ташқи савдо ҳам тараққий этди. Россия ҳукумати Шарқий Бухорога ҳам катта эътибор бера бошлади. М.М.Соловёв Шарқий Бухорода рус маҳсулотлари инглиз ва хитой савдо молларини сиқиб чиқара бошлаганини таъкидлайди. Шунингдек, Россиянинг завод ва фабрикаларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар маҳаллий аҳолининг эҳтиёжларини кўпроқ қондира бошлади деб ёзади[13]. Шарқий Бухоро Россия ҳукумати учун нафақат стратегик, балки савдо-иқтисодий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамият касб эта бошлади. Рус маҳсулотлари Шарқий Бухоронинг энг чекка ҳудудларига ҳам кириб борди.

В.Ф.Ошанин XIX асрнинг иккинчи ярмида (1876 йил) Қоратегин ва Дарвоз бекликларида бозорлар бўлмаганлиги тўғрисида маълумот берган. Г.А.Арандаренко эса 1882 йилда Гарм Қоратегин ва Дарвоз беклиги учун ягона савдо маркази ҳисобланиб, бу ерда пайшанба кунлари бозорлар бўлишини баён қилган. Шунингдек, зарурат туғилганда қишлоқлардан ҳам озиқ-овқат маҳсулотларини, саноат молларидан бўз, олача (бўялган мато), чит, ҳинд докаси каби савдо молларини сотиб олиш мумкинлигини таъкидлаган. 1882 йил

ёзида Гарм бозорларида 1 дона сигир 10 рублдан 15 рублгача, бука 10 рублдан 30 рублгача, от 20 рублдан 40 рублгача, қўйлар 2 рублдан 1 рублгача, эчки 1 рублдан 60 тийингача. Буғдой 1 пуд учун 20 тийин, арпа тўрт пуд учун 1 рубль, мулк (ясмиқ) тўрт пуд учун 60 тийин, зиғир (ёғ учун) 4 пуд учун 1 рубль 60 тийиндан сотилган[14]. Н.Н.Покотило Гарм бозорида буғдой, арпа, гуруч ва дуккакли экинлар, чорва молларидан туялар, сигирлар, қўйлар ҳамда чорва моллари озуқасидан беда сотилганини қайд қилган[15]. Шарқий Бухоро бозорларида савдо-сотиқ асосан маҳсулотларни айирбошлаш йўли билан амалга оширилган.

Қоратегин беклигида амалдорлар ҳамда маҳаллий аҳоли ёнғоқ ва ёнғоқ ёғочини ички ва ташқи бозорда сотишдан катта фойда кўрган. Натижада Шарқий Бухорода ёнғоқзорлар маҳаллий амалдорлар ва тадбиркорлар томонидан ваҳшийларча йўқ қилинган. Д.Н.Логофет Шарқий Бухорода маҳаллий ҳукумдорлар ёнғоқзорларга ваҳшийларча муносабатда бўлганлигини, ҳукмдорларнинг (беклар) ўзлари ёнғоқ мевалари ва ёғочларини сотишдан катта даромад кўрганлигини таъкидлайди. Шунингдек, Бухоро ва Россия ҳукумати томонидан маҳаллий ҳукмдорларни огоҳлантириб, ёнғоқзорларни асраб қолишга кўрсатмаси берилгани, бироқ бу чора-тадбирлар уларга сезиларли таъсир қилмаганлигини баён қилган[16].

Қоратегинда олди-сотди ишлари натурал айирбошлаш усулида амалга оширилган. Қўқон ва Бухоро тангаларини Қоратегинда жуда кам учратиш мумкин бўлган. Уларни фақат ҳукмдорлар ва унинг яқинлари қўлида кўриш мумкин эди. Ҳосилдорлик яхши бўлган йиллари хўжаликлар камдан-кам холларда 100 ботмон кам буғдой олишган. Бозорларда ғалланинг мўллиги туфайли унинг нархини кескин даражада арзонлаштириб кетган. Масалан, баҳорда бир ботмон буғдой 11 танга (1 сўм 76 тийин) турган бўлса, ғалла ўриб олингандан сўнг, кузга келиб, 8 тангага (1 сўм 28 тийин) тушган. А.А. Семёнов

бундан олдинроқ яъни бир неча йил муқаддам, бир ботмон буғдойнинг нархи янада арзонроқ бўлиб, 3-4 тангага (48-64 тийин) сотилганлигини ёзади[17].

1911 йилда Қоратегин ва Дарвоз бекликлари бозорларида бир пуд қўй гўшти 40 танга, думба ёғи 80 танга, гуруч 20 танга, туз 10 танга, буғдой 20 танга, маҳаллий карам 4 танга, жавдар 15 танга, янги ўт 3 танга, қурутилган ўт (дағал ҳашак) 5 танга, пичан 2 тангада сотилган[18]. 1912 йилги нарх навога этибор қаратадиган бўлсак, гўшт, ёғ, карам, гуруч, туз, ўт ва пичан нархлари ўзгармаган, аммо бир пуд буғдой 16 танга бўлган. 1913 йилда ҳам юқорида айтилган маҳсулотлар, гуруч, буғдой ва жавдар нархлари ўзгаришсиз қолган. Бироқ бир пуд гуруч 20 танга, бир пуд жавдар 6 танга, бир пуд буғдой эса 8 тангадан сотилган[19]. Беклик бозорларига картошка, карам, пиёз, гуруч, туз ва қора мурч бошқа жойлардан келтирилган шунинг учун ҳам уларнинг нархлари ўзгарувчан бўлган[20].

Балжувон беклиги қозиси Мулло Мирфатхуллоҳўжанинг (1888-1898 йиллар) ҳисоботида Балжувон беклиги бозорларида дон маҳсулотларининг нархлари тўғрисида маълумот берилган. Бир ман буғдой нархи 22 танга, бир ман жавдар 18 танга, 1 ман зиғир 20 танга, бир ман пилла 64 танга, бир ман тарик 15 танга, 1 ман кунжут 30 танга, бир ман гуруч 20 тангадан сотилган[21]. Балжувон беклигининг Қўрғон бозорида бир ман буғдой уни 7 танга, буғдой 6 танга, жавдар 5 танга, зиғир 9 танга, мош 15 танга, нўхат 16 танга, гуруч 30 танга, ёғ 6 танга, гўшт 4 танга бўлган[22].

Сарой-Камар савдо марказида маҳаллий, рус ва бошқа миллат савдогарлари ҳамкорликда савдо ишларини олиб боришган. Савдогарлар атрофдаги бозорлардан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини Сарой–Камарда тўплаб, у ердан Амударё сув йўли орқали амирликнинг ички бозорлари, қўшни хонликлар, Россия ва бошқа хориж давлатларига чиқаришган. Масалан, арман савдогарлари Сарой воҳасидан кўп миқдорда писта, ёнғоқ, буғдой ва чорва молларини харид қилишган. 1914 йилда Сарой савдо марказидан 60 минг пуд

пахта, 42 минг пуд жўхори, 800 минг пуд буғдой, 60 минг пуд арпа, 25 минг пуд кунжут, 6 минг пуд зиғир жами 950 минг рубблик маҳсулотлар амирликнинг ички бозорлари ва хориж мамлакатларига чиқарилган[23].

Қўрғонтепа беклиги қозиси Мулло Абдулҳаким ўз ҳисоботида (1887-1888 йй) бозорларда сотилаётган ғалла нархлари борасида тўхталган. Бозорларда 1 ман буғдой 96 танга, 1 ман кунжут 100 танга, 1 ман жавдар 77 танга, 1 ман зиғир 77 танга, 1 ман пилла 78 танга, 1 ман маккажўхори 78 тангача баҳоланган[24]. Қўрғонтепа Қозиси Мулло Бобобек раис ҳам (1891-1892 йй.) Қўрғонтепа бозорларидаги дон маҳсулотларининг нархлари борасида маълумотлар келтирган. 1 ман буғдой 36 танга, 1 ман жавдар 32 танга, 1 ман маккажўхори 26 танга, 1 ман мош 22 танга, 1 ман зиғир 30 танга, 1 ман кунжут 40 танга, 1 ман гуруч (тозаланмаган) 2,7 танга, 1 ман пилла 60 танга, 1 ман тарик 20 танга, 1 ман сабзи 6 тангадан сотилган.

1894 йилда Қўрғонтепа бозорларида дон маҳсулотлари қуйидаги нархларда сотилган: буғдой 36 танга, жавдар 32 танга, маккажўхори 26 танга, мош 22 танга, зиғир 30 танга, кунжут 40 танга, гуруч (тозаланмаган) 27 танга, пилла 6 танга, тарик 20 танга, сабзи 3 танга[25]. Санаси кўрсатилмаган архив ҳужжатида Қўрғонтепа беклиги бозорларида дон маҳсулотларининг нархи борасида ҳам маълумотлар келтирилган. Масалан, бир ман жавдар - 17 танга, буғдой 26 танга, тарик 9 танга, маккажўхори 16 танга, мош 26 танга, зиғир 26 танга, кунжут 15 танга, пилла 46 танга, шоли (тозаланмаган гуруч) 26 танга баҳоланган[26].

Шарқий Бухоронинг Қабодиён беклиги бозорларидан(1883-1884 йй) бир ман буғдой 13 танга, бир ман жавдар 9 танга, бир ман зиғир 24 танга, бир ман кунжут 36 танга, бир ман пилла 48 танга, бир ман тозаланмаган шоли 8 танга, бир ман мош 12 танга, бир ман маккажўхори 9 танга, бир ман тарик 6 тангадан сотиб олиш мумкин бўлган[27]. Н.Н. Покотило маълумотларига кўра, 1886 йил ёзида Қабодиён беклигида 1 ботман буғдой 13 танга, 1 ботман арпа 9 танга, 1

ботман гуруч 15 танга, 1 туя 170 танга, 1 буқа ёки сигир 60 танга, 1 қўй 16 танга нархда сотилган[28]. Қабодиён беклиги бозор расталарида Россиянинг Морозов ва бошқа фабрикаларида ишлаб чиқарилган ипак матолар ва рус читлари, Кяхта фабрикаларида таёрланган чойлар, маҳаллий ҳунармандчилик маҳсулотларидан эгар-жабдуқлар, чармлар, қурилган мевалар ҳам сотилган. Бекликдаги савдо ишлари тожик, ўзбек, афғон, яҳудий ва ҳинд савдогарлари қўлида бўлган. Ҳиндлар бекликда зардўзлик ва қадимий буюмлар савдоси билан ҳам шуғулланишган[29].

1902 йилда Қабодиён беклиги бозорларида 1 ман[30] буғдой 80 танга, 1 ман арпа 64 танга, 1 ман тозаланмаган гуруч 80 танга нархланган. 1906 йилда Р.Ю. Рожевец Қабодиён беклигининг бозорлари ва савдо-сотиқ ишларини тадқиқ этиб, беклик доимий бозорга эга эканлигини қайд қилган. Шунингдек, Қабодиёнда бозор ҳафтасига икки кун бўлиб, маҳаллий аҳоли ҳунармандчилик ва деҳқончилик маҳсулотлари билан савдо қилишларини таъкидлаган. Қўшни бекликлардан келган аҳоли ҳам ушбу бозорга келиб, ўзлари учун керакли бўлган маҳсулотларни харид қилишган. Хусусан, Жиликул амлякдорлиги ва Қўрғонтепа беклигида яшовчи туркманлар Қабодиён бозорига келиб, ўзлари учун зарурий уй-рўзғор буюмларини дон ва чорва молларига айирбошлашган ёки нақд пулга сотиб олишган. Жиликул амлякдорлигидан Қабодиён ва Бешкент бозорларига писта, бузғунч, палос, хўржун ва чармдан ишланган маҳсулотлар олиб келинган. Қабодиёндан эса Жиликулга асосан гуруч етказиб берилган. Сарай-Камар қишлоғидан Қабодиён бозорига афғон гуручи, қурилган тут меваси олиб келинган, бу ердан эса Сарай-Камар савдо марказига қурилган мевалар жўнатилган. Машҳур савдогарлардан саналган Исмат Хўжа Қабодиён бозоридан буғдой, арпа ва бошқа дон маҳсулотларини сотиб олиб, Бухоро ва Самарқанд бозорларида сотиш билан шуғулланиб келган.

XX аср бошларида Файзиобод, Қоратоғ, Кўлоб ва Балжувон бозорларида маҳаллий маҳсулотлар билан бир қаторда хорижий мамлакатлардан келтирилган молларнинг тури ва миқдори ҳам кўпайди. Кўлоб ва Балжувон бозорида олтин ва қўй териси кўпроқ сотилган[31]. Кўлоб бозорида 1 ботмон (16 пуд) буғдой 90 тийин, 1 бош катта қўй 18 рубль, 1 бош хўкиз 30 рубль, 1 дона сигир 18-19 рубль, 1 та от 40-50 рубль, эшак 9-15 рубль, 1 та туя 50-75 рубль, 1 дона эгар-жабдук 1 рубль 50 тийин, намат (кигиз) 2 рубль 25 тийинга баҳоланган. Қабодиён бозорида эса (1886 й.) 1 ботмон буғдой 13 танга, 1 ботмон гуруч 15 танга, 1 бош туя 170 танга, сигир ва буқалар 60 танга, 1 бош қўй 16 тангадан сотилган[32]. Балжувон бозоридан маҳаллий аҳоли (1909–1910 йй.) 1 ман буғдойни 23 танга, 1 ман сулини 18 танга, 1 ман гуручни 2 рубль 20 тийин, 1 ман канобни 32 танга, 1 ман пиллани 58 танга, 1 ман кунжарани 59 тангадан сотиб олишган[33].

Хулоса. XIX асрнинг охири–XX аср бошларида Шарқий Бухорода ҳам савдо-сотиқ ишлари тараққий этди. Бозорларда маҳаллий маҳсулотлар билан бирга хориждан келтирилган савдо моллари сотила бошланди. Шарқий Бухоро бекликларида савдо-сотиқ турлари бекликларнинг жойлашган ўрнига қараб қисман бир-биридан фарқланган. Россия босқинидан сўнг Россия ва бошқа хориж мамлакатларидан цех ва фабрикаларда ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулотларнинг кириб келиши сезиларли даражада кенгайди.

XIX асрнинг охири–XX аср бошларига келиб амирликнинг шарқий ҳудудларида ҳам ички ва ташқи савдонинг тараққий этиши натижасида беклик бозорларида Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон каби хорижий давлатлардан келтирилган савдо моллари ҳам мунтазам тарзда савдога чиқарилди. Бу жараён эса амирликнинг шарқий ҳудудларидаги бекликларни халқаро савдога тортилишига ва бозорларга йирик миқдорда хориж маҳсулотларининг кириб келишига имкон берди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДБИЁТЛАР:

1. Логофет Д.Н. Страна бесправия. Бухарское ханство и его современное состояние. – СПб.: Б.И., 1909. – С. 83-84.
2. Гейер И.И. Туркестан. – Ташкент, 1909. – С. 193.
3. Покотило Н.Н. Отчет по поезде в пределы Центральной и Восточной Бухары в 1886 г. – С. 72-73.
4. Арандаренко Г.А. Досуги в Туркестане 1874-1889гг. – СПб., 1889. – С. 431.
5. Логофет Д.Н. Страна бесправия. Бухарское ханство и его современное состояние. – СПб.: Б.И., 1909. – С. 86.
6. Очерки Гиссарского края // Материалы для статистики Туркестанского края. – СПб., 1879. Вып. V. – С. 130-255.
7. Петровский Н. Моя поездка в Бухару. – Ташкент. 1872. – С. 136.
8. ЎзМА, И 126-жамғарма, 1-рўйхат, 1018 иш, 55-варақ.
9. ЎзМА, И 126-жамғарма, 1-рўйхат, 1018 иш, 55-варақ.
10. Искандаров Б.И. О некоторых изменениях в экономике Восточной Бухары на рубеже XIX–XX вв. Тр. Тадж. ССР. Т. 83. – Душанбе, 1958. – С. 79.
11. Очерки истории Гиссарского бекства конца XIX – начала XX вв. // Тр. АН Таджикистана, Вып. 114. Сталинабад, 1959. – С. 46.
12. Абдулвохидова Ф.М. Торговые отношения в Восточной Бухаре в конце XIX и начале – XX века. Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук... Душанбе – 2022. – С. 63.
13. Соловьев М.М. Ученые экспедиции в Бухару в 1841-1842 гг. – С.75-76.
14. Арандаренко Г.А. Досуги в Туркестанском. – С. 457.
15. Покотило Н.Н. Очерки о поездке в пределы центральной и восточной Бухары в 1886 г. – С. 72-73.

16. Логофет Д.Н. Страна бесправия. – С. 103.
17. Семенов А.А. Этнографические очерки Заравшанских гор Каратегина и Дарваза. – 1903. – С. 52.
18. Абдулвохидова Ф.М. Торговые отношения в Восточной Бухаре в конце XIX и начале – XX века. Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук... Душанбе – 2022. – С. 65.
19. ЎзМА, И 126-жамғарма, 1-рўйхат, 1018 иш, 108-варақ.
20. ЎзМА, И 126-жамғарма, 1-рўйхат, 1018 иш, 108-варақ.
21. ЎзМА, И 126-жамғарма, 1-рўйхат, 1016 иш, 103-варақ.
22. ЎзМА, И 126-жамғарма, 1-рўйхат, 1018 иш, 55-варақ.
23. Очилдиев Ф.Б. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлигида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. – Тошкент: FIRDAVS-SHOH 2022. Б. – 51.
24. ЎзМА, И 126-жамғарма, 1-рўйхат, 1018 иш, 140-варақ.
25. Абдулвохидова Ф.М. Торговые отношения в Восточной Бухаре в конце XIX и начале – XX века. Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук... Душанбе – 2022. – С. 64.
26. ЎзМА, И 126-жамғарма, 1-рўйхат, 1018 иш, 152-варақ.
27. Абдулвохидова Ф.М. Торговые отношения в Восточной Бухаре в конце XIX и начале – XX века. Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук... Душанбе – 2022. – С. 69.
28. Покотило Н.Н. Отчет о поездке в пределы Центральной и Восточной Бухары в 1886. – С.72-73.
29. Семёнов А. По границам Бухары и Афганистана // Туркестанский сборник. Т. 554. – С. 112-113.
30. Ман 37 килограмга тенг.
31. Рожевец Р.Ю. Поездка в южную и среднюю Бухару в 1906 г. – СПб., 1908. – С. 32.

32. Юсупова Ш. Очерки истории Кабадианского бекства в конце XIX–начале XX века. – Душанбе, 1986. – С. 91.
33. Ёров А.Ш. Бухарский эмират на мировом рынке (вторая половина XIX – начало XX столетия): Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук. – Душанбе. 2005. – С. 136.
34. Fayzulla, O. (2020). The craftsmanship of the emirate of bukhara at the second half of the XIX century-the beginning of the xx century. *The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research*, 2(11), 33-38.
35. Ochildiev F. (2021). The Administrative Division And Management System Of The Bukhara Emirate In The Second Half Of The XIX Century And Early XX Century. *Int. J. of Aquatic Science*, 12(2), 2465-2478.
36. Ochildiyev F. (2025). Buxoro amirligida temir yo 'llar qurilishi tarixidan. *«Acta Muuz»*, 1(1.2. 1), 37-40.

ТОРГОВЛЯ В БЕКСТВАХ ВОСТОЧНОЙ БУХАРЫ ВО ВТОРОЙ ПОЛОВИНЕ XIX - НАЧАЛЕ XX ВЕКА

Аннотация. В статье анализируются занятия населения Восточной Бухары во второй половине XIX — начале XX вв., состояние торговли в бекствах, торговые пункты и рынки в бекствах, виды продаваемых товаров и взимаемые на них цены. Также были изучены такие аспекты, как цены на продукцию, реализуемую на рынках бекствах в разные годы и различия между ними, виды продукции, импортируемой из России и из-за рубежа, а также специализация рынков.

Ключевые слова: Восточно-Бухарский эмират, Гисар, Балжуван, Кабадиан, Куляб, Гарм, Каратегин, Дарваз, Россия, акции, торговля, рынок, запрет, цена, хлебные продукты, монета.

TRADE IN THE BEKSTV OF EASTERN BUKHARA IN THE SECOND HALF OF THE 19TH - EARLY 20TH CENTURY

Annotation. The article analyzes the occupations of the population of Eastern Bukhara in the second half of the 19th - early 20th centuries, the state of trade in the bekstv, trading points and markets in the bekstv, types of goods sold and the prices charged for them. Also studied were such aspects as prices for products sold in the markets of the bekstvu in different years and the differences between them, types of products imported from Russia and from abroad, as well as market specialization.

Keywords: East Bukhara Emirate, Hissar, Baljuon, Kabadian, Kulab, Garm, Karategin, Darvaz, Russia, shares, trade, market, ban, price, grain pr